

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№

1. Loyihaning turi:

Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Maxsus texnikalarni yetkazib berish to'g'risidagi shartnoma (22-son)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Nurota davlat o'rmon xo'jaligi, 16.08.2022 yil

Huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

X U L O S A:

"Sarvarbek Shoh Mebellari" MCHJ va Nurota davlat o'rmon xo'jaligi o'rtasida umumiy summasi 668 000 000 (olti yuz oltmish sakkiz million) so'm bo'lgan maxsus texnikalarni yetkazib berish to'g'risidagi shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining Prezidentining 2021-yil 14-sentabrdagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6313-sonli Farmoni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 15 apreldagi PQ-208-сон Qarori talablari asosida tuzilgan.

Taraflarning javobgarligi me'yor va nizolarni hal etish tartibi qonunchilikka, xususan O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi" 670-I-son Qonuni talablariga mos keladi.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



E.Djabbarov
17.08.2022 yil

ШАРТНОМА №22

2022 йил "16" август

Нурота тумани

"Sarvarbek Shoh Mebellari" МЧЖ (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар О.Турдимов ҳамда иккинчи томондан Нурота давлат ўрмон хўжалиги ("Буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар Х.Қаршиев ушбу шартномани қуйидагича туздилар:

1.1 Ушбу шартнома бўйича "Бажарувчи" электрон шаклланган (лот 22110012132850) баён талаблари асосида "Буюртмачи" га хизмат кўрсатади.

1.2. "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" учун: бажариладиган ишнинг номи,

Т/р	товар (иш-хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Хажми (микдори)	Нархи	Умумий суммаси
1	Трактор	дона	1	440 000 000,00	440 000 000,00
2	Пресс-подборщик	дона	1	198 000 000,00	198 000 000,00
3	Плуг-лемах	дона	1	30 000 000,00	30 000 000,00
	Жами				668 000 000,00

Сумма: 668 000 000 (олти юз олтмиш саккиз миллион) сўм
(сўз билан ёзилади.)

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. "Бажарувчи" нинг мажбуриятлари:

Ишни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида "Буюртмачи" га сифатли ва ўз вақтида топшириш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

Ишни 3 кун муддатда кўздан кечириш. Ишнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, "Буюртмачи" шу муддатда "Бажарувчи"га аниқланган номувофиклиликлар ҳақида маълумотномаларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.

2.3. Шартномада белгиланган баҳода иш ҳақини тўлайди.

3. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома суммаси - 668 000 000 (олти юз олтмиш саккиз миллион) сўмни ташкил этиб, ишнинг ҳар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30 фойз тўлаш, қолган қисмини иш қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун давомида пулни кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3.3. "Бажарувчи"нинг айби билан "Буюртмачи" ишни кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, у иш ҳақини тўлашни кечиктиришга ҳақли.

4. ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Иш бажарилгандан сўнг "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузиб имзолайди ва муҳрланади.

4.2. Таъмирланган оргтехника тасодифан нобуд бўлиши ёки тасофидан шикастланиши хавфи иш топширилган пайтдан бошлаб "Буюртмачи" га ўтади.

4.3. Ишни топширишдан бошлаб, келишилган муддатга қадар "Буюртмачи" сифатига қафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.

4.4 Ушбу шартнома шартларига мувофиқ иш бажарилган жойидан топширилади.

5. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

5.1 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1 Ишни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 20 фоиз миқдорда жарима тўлайди:

6.2 Тўловни кечиктирилганлиги учун "Буюртмачи" "Бажарувчи"га ҳар бир кечиктирилган кун учун тўловни кечиктирилган қийматининг 0.4 фоизи миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда тавон (пеня) тўлайди.

6.3 Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.4 Ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилганлик учун тарафлар шартнома суммасининг 2 % миқдорида жаримавий неустойка тўлайди.

6.5 Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. НИЗОЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛИШ.

7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.2 .Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда низо талабнома билдириш тартибига риоя қилинганидан кейин туманлараро иқтисодий судига кўриб чиқиш учун топширилади.

8. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1 Томонларнинг хоҳиш - истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (Ноқулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

9.1 Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

9.2 Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар)га йўл қўймайдилар.

9.3 Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар.

9.4 Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омиллар пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиши тақиқланади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР.

10.1 Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан фақат иқтисодий суднинг қарорига биноан бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сўнг 30 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

10.2. Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.

10.3. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган холдагина ҳақиқийдир.

10.4 Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.5.Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

"Бажарувчи"

"Sarvarbek shoh Mebellari" МЧЖ
Юридик манзилгоҳ Навоий ш, Орзу МФЙ
4А-гулистон дукони орқаси
ТЕЛ: 97-717-26-66
Х\р 2020800005465727001

Банк номи АИТБ "Ипак йўли" Навоий ф.
Банк коди(МФО) 00199
ИНН 309085212
ХХТУТ_
Рахбар: О.Турдимов

"Буюртмачи"

Нурота Давлат ўрмон хўжалиги
Юридик манзилгоҳ: Нурота т.
ЧУЯ МФЙ
Тел н:93-310-52-18
Х\р 1000218601223870422031142001

ИНН: 305062988
ХХТУТ 00001
Ғазначилик ИНН: 201122919
Р/с 23402000300100001010
Рахбар: Ҳ.Қаршиев

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	HAMIDULLA QARSHIYEV QAYTAROVICH
	Imzolangan sana	17 авг 2022 15:25
	Hujjat kodi	LS7236784656
	Hulosa kodi	GU5583545741